УТЕБАЕВ ТАЖИБАЙ ТИЛЕУМУРАТОВИЧ

# ДАРС ШАРОИТИДА ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРАКТИВ УСУЛЛАР



Нукус – 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

УТЕБАЕВ ТАЖИБАЙ ТИЛЕУМУРАТОВИЧ

# ДАРС ШАРОИТИДА ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРАКТИВ УСУЛЛАР

Нукус – 2018

**Утебаев Т.Т.**

Дарс шароитида ўқитиш сифатини оширишда интерактив усуллар: Услубий қўлланма/ Т.Т.Утебаев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Нукус давлат педагогика институти-Нукус.2018-йил. 54 бет

Мазкур методик қулланма Олий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини оширишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш учун таълим тизимини модернизациялашнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим сифатини ошириш каби муҳим масалаларга қаратилган.

Олий таълим муассасаларида инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишга эришиш йўллари тадқиқ этилиб, соҳани ривожлантиришнинг самарали йўллари, таълим ислоҳотининг ҳозирги босқичлари, вазифалар, илғор педагогик тажрибалар умумлаштирилиб ижодкор, изланувчан педагог ходимлар учун тавсия этилади.

Дарс шароитида ўқитиш сифатини оширишда интерактив усуллар деб номланган методик қўлланма Нукус давлат педагогика институти Илмий-методик Кенгашининг 2017-йил 24-октябр куни №3-сонли баённомаси асосида чоп этишга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррир:** **Педагогика фанлари доктори, профессор У.Алеуов**

**Тақризчилар:** **Педагогика фанлари номзоди, доцент Қ.Сейтмуратов**

**Педагогика фанлари номзоди, доцент П.Абдимуратов**



## КИРИШ

Бугунги кунда жаҳонда таълим тизимини ривожлантиришнинг методологик асоси сифатида таълимни модернизациялаш, ўқитиш сифатини бошқариш тараққиёти масаласи, таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва ўз ечимини кутаётган муаммоларни тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг асарида нафақат академик илм-фанни, балки олий ўқув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш, илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган[1].

Таълим сифатини таъминлаш - битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Ушбу вазифа бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш мисолида аниқ мақсадларга йўналтирилган кўрсатма ва тамойиллар кўринишида ўз аксини топган.

Таълимни модернизациялаш шароитида бериш ўқитиш сифатини бошқариш, таълим тизимини модернизациялаш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш, Республикамизда шу йўналишда олиб борилаётган илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларини ўрганиш, таҳлил этиш ва истиқболли режаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш, мақбул ўқитиш тамойилларини танлаб олиш ва сифатни бошқариш тизими салоҳиятини кўтаришга йўналтирилган мезонларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов мазкур муаммонинг ижтимоий-иқтисодий ва амалий аҳамиятини "Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга катта зарурат сезила бошлади" деб асослайди.[2]

Шу боис, ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017.107 б.
[2] Каримов.И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.-Б.15-16.

# I БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ, НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Модернизациялаш шароитида олий таълим муассасаларида дарс сифатини оширишнинг устивор йўналишлари

Таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик технологияларни қўллаш замон талабига айланди. Бу таълим жараёнини ҳозирги фан-техника ютуқларидан орқада қолмаслиги учун унинг талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тарбиялашни тақозо этади. Айни навбатда ўқитувчилар олдида ҳам янги талаб ва вазифалар қўйилади. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чуқур ҳис этиши лозим. Бу ундан мустақиллик тафаккурига ва замонавий дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади.

Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукаммал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур. Ҳозирги кунда эски анъанавий услубдаги дарслар ёшларимиз эҳтиёжини қондирмайди, улар бундай дарсларни тинглагиси келмайди. Чунки, фикрлаш ва тафаккур бошқа, айнан бирор фан бўйича билимга эга бўлиш бошқа. Фикрлаш ва тафаккур табиий ақл маҳсули, билим олиш эса – бу таълим муассаси, педагог фаолияти маҳсули.

Агар педагог ёшлар билан ҳамнафас фикрламаса, замон янгиликларига ва талабларига ёшларданда тез бўлмаса, унинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолияти самарасиз бўлиб қолади.

Олий таълимда ўқитишнинг ташкилий формаси деб таълим жараёнида ўқувчи билан ўқитувчининг турли вариантлардаги ўзаро педагогик мулоқоти тушунилади. Маълумки, олий ўқув юртларида таълим жараёнининг ташкилий формаси маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, талабаларнинг мустақил ишлари ва турли амалиётлардан ташкил топган. Ҳар қандай ташкилий форма таълим мақсади, мазмуни ва бошқа элементларни ўз ичига олган таълим моделини аниқлайди. Таълимнинг ташкилий формаси таълим моделининг моҳиятини очиб беради. Таълим модели ва ташкилий форма ўртасидаги бундай симметрик боғланиш профессор-ўқитувчига ўзининг касбий муҳитида кўплаб тенденцияларни фарқлашга ҳамда ўз фаолиятида таълим жараёнини қандай ташкил этишни тўғри танлашга ёрдам беради.

**Ўқув – услубий фаолиятнинг устувор йўналишлари:**

Ўқув ва ўқув-услубий ишлар узлуксизлиги ва янги педагогик технологияларнинг қўлланилиши;

Таълим муассасаси моддий-техник-ўқув базасининг замонавийлиги;

Илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги;



Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги каби таркибий қисмлари фаолияти мувофиқлаштирилганлигига бевосита боғлиқдир.

Таълим технологиясини лойиҳалашда усулни онгли танлаш, ҳар бирининг имкониятларини кўра билиш керак.

Усулни танлаб, ўқитувчи ўзига савол беришни бошлайди:

→ Усулни қўллашдан сўнг натижалар қайси соҳаларда: Билимлар соҳасидами? Кўникмалардами? Малакалардами? Ёки кўрсатмада кўп бўлади.

→ Кейинги савол таълим беришнинг бажариладаган ишлар тартибига тааллуқли: "Талабаларнинг фаоллиги (ташаббус) қандай бўлиши керак?"

Таълим усулларининг натижавийлигини қайси мезонлар аниқлайди? Олимларимиз мазкур саволга қуйидагича изоҳ беришган: Яхши ёки ёмон усуллар мавжуд эмас. Усулнинг натижавийлигини бажарилган ёки бажарилмаган вазифа бўйича хулоса чиқариш мумкин,- дейди.

Қандай қилиб кенг тарқалган усуллар, жумладан ақлий ҳужум ёки гуруҳли мунозара натижавийлигини ўқув машғулотида ечиладиган топшириқлар билан боғлиқсиз, ёки аниқ амалий вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш (кейс-стади) усулининг натижавийлигини, ушбу усул қўлланилаётган ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларидан узилишда олдиндан баҳолаш мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, усулнинг асосий натижавийлик мезонлари қуйидагилар:

- белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва иқтисодийлиги;
- уни қўллашда соддаллик ва осонлик;
- нафақат энг яхши натижаларни таъминлаши, балки уларга эришишнинг юқори ишончлилигини таъминлай олиши.

Фаол таълим бериш усули - таълим олувчиларнинг билим фаолиятларини рағбатлантирувчи усулдир. У ёки бошқа муаммони ечиш тўғрисидаги фикрларни эркин алмашинувини назарда тутувчи суҳбат асосида қурилади

Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш шакллари:

Оммавий иш (фронтал) - барча таълим олувчилар олдига бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади.

•Жамоавий иш (коллектив) - ҳам умумий ва гуруҳлига тааллуқли бўлиши мумкин: биринчидан, олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш; иккинчидан, мажбуриятларни бўлиш, ҳисобот шаклини танлаш; учинчидан, хулосаларни муҳокама қилиш (тартиб билан алоҳида таълим олувчилар фикрлари тинглади ва муҳокама қилинади); туртинчидан, маъқул хулосаларни шакллантириш (умумий келишув билан).

- Гуруҳли - кичик гуруҳларда ҳамкорликда бир топшириқни бажариш.

• Якка тартибли (индивидуал) - ўқув топшириғини якка ўзи бажариши.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни тўғри режалаштириш учун ўқитувчи, аввало, «Мавзуни махсус педагогиканинг энг сўнгги замонавий талабларига мувофиқ ўта оламанми ёки бунинг учун яна алоҳида тайёрланишим керакми?» ҳамда «Намуна сифатида ишлаб чиқилган дарс режа ва ишланмалари мавжудми?» каби саволларга жавоб бериши керак.

Шундан кейинги босқичда ўқитувчи ўз ўқувчиларининг дастлабки билим ва кўникмаларини аниқлаб олиши лозим.

Бунинг учун қуйидаги асосий саволлар қўйилиши лозим:

-Дарс ёки машғулотни ўтказиш учун ўқувчиларнинг дастлабки билимлари қай даражада?

-Дарс ёки машғулотни ўтказиш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд?

-Қандай таълимий мазмунлар ўргатилиши кўзда тутилмоқда?

Биз эса, бу жараённи соддароқ - ўқитиш босқичлари деб номладик, тасвирланган ўқитиш даврларини кўриб чиқамиз.

1-босқич ўз ичига дарс ва машғулотга нисбатан инобатга олиниши лозим бўлган мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни ўрганишни олади. Бу босқич таълимнинг бошланишида ўқувчиларнинг ривожланиши даражаларини белгилашни ўз ичига олиб, дарс ёки ўқув машғулотидан сўнг эришилган натижаларнинг сифатини белгилашда муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан эришилган натижаларнинг таҳлили шарт-шароитлар таҳлили ва махсус соҳа (мазмун) таҳлилини амалга ошириш имконини ҳам беради.

2-босқич ўқув мақсадларини белгилаш деб номланади. Бу босқичда ўқув дастури асосида дарс ва машғулот учун махсус ўқув мақсадлари белгилаб олинади. Мақсадлар дастурий талаблардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

3-босқич. Назарий дарс ёки амалий машғулот режасини тузиш. Бу режада барча мазмунлар, мавзулар, режалаштирилган методлар, танлаб олинган ўқув дидактик материалларга мувофиқ холда ўқув воситалари ҳамда умумий вақт тақсимоти акс этади.

Махсус муассаса педагоги машғулотнинг ҳар бир босқичи учун ўқув фаолиятининг метод, усул ва шаклларини танлашида таълимнинг ривожлантирувчи усулларига эътибор қаратиши лозим. Шу сабабли ҳам у ўз мустақилллик малакаларининг шаклланишига, яъни ўз ишини режалаштириш, таълимий ва дидактик материаллар ҳамда қўшимча адабиётлардан фойдалана олиш малакасининг шаклланиши, таълимий мақсадга эришиши учун машғулот (дарс) жараёнини пухта лойиҳалаштира олиш малакаларига эга бўлишига алоҳида аҳамият қаратиши лозим.

Педагог режалаштиришда таълимий дастурдаги бўлимларнинг яхлит ўзаро изчиллик ва узвийлиликни талаб қилишини ҳисобга олиши лозим. Ишни режалаштиришда нутқий малакаларни шакллантириш ўз таркибига нутқ материалини тушуниш ва ундан фаол фойдаланиш, у ёки бу нутқий



операцияни алоҳида ёрдам асосида ёки мустақил, намойиш асосида бажара олишларни қамраб олувчи босқичлардан иборат бўлган жараён эканлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Таълимий-тарбиявий жараён яхлит коммуникатив йўналишга (мулоқотга) эга бўлиши барча жараёнда унга риоя қилиш мажбуриятини юклайди. Шу сабабли ҳам режалаштиришда ушбу қоида доимо назардан четда қолмаслиги ва унга алоҳида урғу берилишини назарда тутиш лозим.

Режада нафақат таълим берувчининг хатти-ҳаракатлари, балки таълим олувчиларнинг режалаштирилган ҳатти-ҳаракатлари ҳам кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

4-босқич. Ўқув дидактик материалларни тайёрлаш таълимниамалга ошириш босқичининг асосий дастлабки шартларидан биридир. Агар ўқитувчининг тайёр материаллари захирасида берилган мавзу учун мос материаллар мавжуд бўлса, уларнинг орасида тўғри келадиганлари танлаб олинади. Агар тайёр ўқув дидактик материаллар ёки ўқув воситалари бўлмаса, улар устида ишлаш лозим бўлади. Шу сабабли дарсдан олдин плакат лойиҳалари, тарқатма материаллар, расмлар ишлаб чиқилади.

5-босқич. Режалаштириш ва ташкиллаштириш асосида назарий дарс ва амалий машғулотни амалга ошириш (ўтказиш). Яъни самарадорликка эришишдаўқув воситалари билан жиҳозланган синфхона, ўқув майдончаси ва вақт етарлича бўлиши талаб этилади.

6-босқич. Назарий дарс ва амалий машғулот давомида ўзлаштирилган назарий билимларни баҳолаш. Бу босқич бир томондан ўқувчилар зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олганликларининг назоратини олиб бориш имконини берса, иккинчи томондан эса, ўқитувчининг ўз-ўзини, шунингдек, ишининг сифати қандай бўлганлиги текшириши учун имкон яратувчи зарурий босқич саналади. Яъни бунда «Ўқувчилар мақсадга эришдиларми?» ҳамда «Мен олдимга қўйган мақсадларга эришдимми?» деган саволларга жавоб берилиши зарур. Ана шундагина дарс ва машғулотларнинг ўсиш кўрсатгичлари таъминланади.

Таълим сифатини бошқариш таълимни бошқаришнинг умумий тузилмаси таркибига киради. Бунда сифатни бошқариш умумий бошқарувнинг ўз самарадорлигини намойиш қилган чизиқли тузулмасини бузмайди, аксинча сифатни бошқаришни жорий этилиши раҳбар билан ходимлар ва жамоатчилик вакиллари ўртасидаги алоқаларни тартибга солиш орқали таълимнинг умумий бошқаруви самарадорлигини кескин ошишини таъминлаши мумкин.

Мавзуни ва сифатни таъминлаш ва ошириш борасидаги миллий ва ташкилий устувор вазифалар билан боғлиқлиги

- педагог ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккурга эга, касбига тегишли маълумоти бор, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ҳамда малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазифаларни тезда ечиши, вазиятларни сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши лозимлиги;

- Педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши, ўқитувчи ёки талабанинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кузатиши лозимлиги;

- Ўқитувчи педагогик жараённи бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозимдир.

-Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарс ва бошқа турдаги машғулотларнинг сифати белгилайди. Дарс бериш санъатини мукаммал эгаллаган ўқитувчи уюштирган ўқув машғулоти чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, эртанги кунга бўлган ишончи, халқимизнинг ақл-заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб фуқароси ва содиқ қурувчиси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиб хизмат қилади.

Ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади.

Дарс бериш сифатини бошқариш омилларини қуйидаги жиҳатлар билан боғлаш мумкин: “Янги замонавий дарс бериш сифати” га эришиш шартлари:

• талабаларнинг таълим, психологик ва жисмоний юкламаларини қулайлаштириш;
• таълимни табақалашуви ва индивидуаллашувини таъминлаш;
• санъатнинг ахлоқий салоҳиятини шахснинг маънавий ривожланиши воситаси сифатида қўллаш;
• таълимнинг юқори босқичларида касбга йўналтирилган таълимни киритиш;
• талабаларни ижтимоийлашувини таъминловчи фанларнинг ролини кучайтириш;
• масофавий таълимни ривожлантириш;
• иқтидорли талабаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
• ўқув адабиётларининг сифатини экспертиза қилиш ва назоратдан ўтказишнинг самарали давлат-жамоат тизимини яратиш;
• таълим сифатини баҳолашнинг давлат тизимини яратиш.

Ўқитувчилар учун:

• талабаларни ҳаётга тайёрлаш, илмий қизиқарли саволларни чуқур очиб бериш, уларни нафақат ақлий, маънавий тайёрлаш;



• талабаларни мустақил фикрлашга, таҳлил қилиш ва мустақил ишлашга ўргатиш;
• ўқиш давомида талабаларни индивидуал хусусиятларини, қобилият ва эхтиёжларини ҳисобга олинса; қаердаки ижодий педагоглар ва донишманд раҳбар бўлса тарбиянинг инсонпарварлик тамойиллари шаклланади ;
• ўқитувчининг касбий вазияти ва ўз-ўзини англашидан келиб чиқиб, у ўзининг мақсадларини аниқ тасаввур қилганда, мақсадларига қандай қилиб эришишни билади ва ўзини руҳан хотиржам сезади.
• Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасаларини барпо этиш билангина чекланиб қолмасдан, ушбу модель авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асослангандир. (1.1.1-расм. №1, №2).






**1.1.1-расм. Замонавий ўқув-услубий таъминот**

Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистонннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Мазкур тизимнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

• қоғоздаги ҳужжатлар билан ишлашни камайтириш, амалларни бажаришни тезлаштириш хатолар миқдорини қамайтириш ҳисобига таълим муассасасининг барча бўғинларини бошқариш самарасини ошириш;

• ОТМ нинг барча турдаги ресурсларини, жумладан молиявий, моддий ва интеллектуал мониторинги ва ички аудитини ўтказилишини таъминлаш;

• ОТМ да таълим сифатини назорат қилишнинг мезонлари, воситалари ва тизимини ишлаб чиқиш;

• ОТМ ни сифат критерийларига асосланган бошқарувини мавжуд ташкилий структураси ва бошқарувнинг айни пайтда шаклланган тузилмаларини ҳисобга олганда амалга ошириш;

• ўқув жараёнини режалаштиришнинг самарадорлигини ошириш (ўқув режалар, жадваллар, ўқитувчиларнинг шахсий режаларини, кафедраларнинг хоналарнинг, лабораторияларнинг ва бошқ.);

• ўқув режаларни бажаралишини самарали бошқарувини ошириши (ҳар бир талаба томонидан таълим дастурларини ўзлаштирилиши



натижаларини индивидуал ҳисобга олиш, натижаларнинг статистик таҳлили ва бошқ.);

• internet технологиялари асосида таълим сифатини бошқариш мақсадлари учун информацион ресурсларнинг тақсимланган тизимларини ишлаб чиқиш.

• бошқарма кўплаб олий таълим дастурлари, касбий тайёргарлик, докторантура бўйича таълим фаолиятини лицензиялашда, олий таълим муассасаларининг фаолиятини комплекс баҳолашда бевосита иштирок этган.

Бошқарма фаолиятининг турлари асосан қуйидагилардан иборат:

• таълим хизматлари, илмий ишлар ва мутахассислар тайёрлаш сифатини таъминлаш механизмларини самарали ишлашини ва такомиллаштириб борилишини координациялаш;

• таълим сифатини таъминлашнинг норматив ҳужжатлар, методик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

• сифат кўрсаткичлари ва уларни таъминловчи омиллари мониторинги;

• абитуриентлар, талабалар, битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида таълим сифатини бошқаришнинг масалалари бўйича сўровномалар ташкил этиш;

• мониторинг ва сўровномалар натижалари таҳлили. таълим сифатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. қабул қилинган қарорларнинг ижроси таҳлили ва уларни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар бериш;

• таълим сифатини ошириш бўйича бошқа олий таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш ва уларни татбиқ қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

• таълим сифатини бошқариш масалалари бўйича юқори органлар билан ўзаро алоқани таъминлаш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги муҳим йўналишлари мавжуд:

• ОТМ моддий техник базасини жаҳон андозалари даражасига етказиш, бу борада отмларнинг бюджетдан ташқари маблағлар, инвестицияларни жалб этиш борасидаги фаолиятини кенг йўлга қўйиш, таълим хизматлари кўрсатиш микёсини янада ошириш;

• ўқув-услубий таъминотни мунтазам ривожлантириб бориш, янги авлод ўқув адабиётлари (электрон) ни яратиш, дтс, ўқув режа, фан дастурларини халқаро стандарларга мослаб бориш.

• профессор-ўқитувчиларда профессионал –касбий билим, кўникма ва малакаларни мунтазам ривожлантириб бориш шарт-шароитларини яратиш, бу борада педагог кадрдлар ва талабалар алмашинуви амалиётини йўлга қўйиш;

• кадрлар тайёрлаш жараёнини халқаро ва миллий эҳтиёжлар даражасида амалга ошириш;

- талабаларнинг таълим ва амалиёт жараёнига нисбатан онгли муносабатини ўстириш;
- миллий таълим тизимини жаҳон глобал таълим тизимига хос илғор тажрибалар, ғоялар ҳисобига бойитиб бориш ва мунтазам такомиллаштириш.

## 1.2. Таълим мазмунини модернизациялаш ва таълим сифатини ошириш - давр талаби

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва маърифий соҳаларида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари узлуксиз таълим тизимига ҳам бевосита таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, замонавий таълим муҳитининг муҳим тавсифи ҳамда шахс имкониятлари муваффақиятли амалга оширилишининг шарти сифатида таълим парадигмаларини такомиллаштириш, унинг таркибий қисмлари функционал ва концептуал муаммолари ечимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Узлуксиз таълим тизими ижтимоий соҳалар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш шароитида муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида таълимий, тарбиявий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий функцияларни бажармоқда. Уларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлаш, касбий етуклик ва юксак маънавиятни шакллантирувчи педагогик шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Мазкур муаммолар педагог-ходимлар малакасини ошириб келганидан сўнг таълим муассасалари ички бошқаруви тизимида ҳам кузатилиб, бошқарувнинг директив хусусиятга эга эканлиги, бошқарув фаолиятида педагоглар жамоасининг иштирок этмаслиги, инновацияларнинг муассаса имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олмаган ҳолда жорий этилиши, педагог-ходимларнинг ёш хусусиятлари етарлича эътиборга олинмаслиги каби ҳолатлар таълим сифатини таъминлашга салбий таъсир кўрсатгани аниқланган.

Шунинг учун малака ошириш тизимига мураккаб таркибга эга бўлган ижтимоий тизим сифатида қараб, ундаги таълим сифати дейилганда истеъмолчиларнинг талабларига мувофиқликни тушуниш мумкин.

Малака ошириш курсларидаги таълим жараёни унинг сифатини баҳолашни тизимли ташкил этиш, яъни мониторингни жорий этиш заруриятини талаб этади. Мазкур мониторинг бир ёқламалик тавсифига эга бўлиб, у, асосан, педагог-ходимларнинг сўнггидаги тайёргарлиги савияси, ўқув модуллари бўйича таълим самарадорлиги, машғулотлар сифати, тингловчиларнинг ўтилган дарсларни баҳолаши, таълим муҳитининг ташкил этилиш сифати, амалга оширилган ўқув, тарбиявий ва маънавий-маърифий тадбирлар савиясига доир маълумотларни олиш имкониятини беради. Мониторинг натижалари таълим жараёни сифати тўғрисида маълум даражада ахборот беради, лекин таълим сифатига таъсир этиш ва уни бошқариш учун етарли эмас.



Лойиҳа ишимизда малака ошириш жараёнидан сунг таълим сифати – малака ошириш таълим муассасасидаги таълим жараёнларининг давлат талабларига, эришилиши мумкин бўлган натижаларга, мезон ва кўрсаткичларда ифодаланган ижтимоий ва шахсий кутишларга мослик даражасини акс эттирувчи умумлаштирилган хусусият тарзида таърифланади.

Бугунги кунда малака ошириш курсларидаги таълим сифатини баҳолаш таълим дастурлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, шунингдек, ўқув жараёнининг ахборот ва моддий-техника таъминоти сифатини баҳолашни қамраб олади.

Таълим дастурини амалга ошириш самарадорлиги таълим бериш методи, ўқитиш сифатини баҳолаш механизмининг мавжудлиги ва самарадорлиги, тингловчининг курс якунидаги савияси каби кўрсаткичлар орқали баҳоланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички назорат тизими ёрдамида тўпланган маълумотлар асосида муассасадаги таълим сифатининг ташқи экспертизасини етарли даражада холис ўтказиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2909-сонли Қарорида Олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб қуйидагилар белгилаб олинди:

Педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш қилиш (1.2.1-расм).

ОТМ педагог-ходимларинининг малакасини ошириш таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини уларнинг касбий фаолият хусусиятларини эътиборга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашув асосида ишлаб чиқилиши малака оширишда таълим сифатини таъминлаш ва ўқитиш сифатини такомиллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.




**1.2.1-расм. Таълим сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш модели.**

Шунинг учун ОТМ ларда таълим сифатини оширишда – Хорижий давлатларда, МДҲ мамлакатларида ва Республикамиздаги малака ошириш таълим муассасаларида малакасини ошириб келган педагог-ходимларнинг тажрибаларига асосланган намунали очиқ дарсларини ташкил қилиш ва бу дарслар натижаларини ўзаро таққослаб ўрганган ҳолда, (баҳолашда талабалар ҳам қатнашади) дарс сифати ўрганилиб (хорижда, МДҲ давлатларида ва Республикамизда малака оширишдан ўтган) уларнинг компетентлик даражалари баҳоланиши ва мос равишда рағбатлантирилишлари лозим.

Масалан: Қуйидаги сўровномалардан фойдаланилиб баҳоланса бўлади.

**Ўқитувчининг ўқитиш сифатини қандай баҳолайсиз?**

А) Яхши

Б) Ўртача

В) Қониқарсиз

**Ўқитувчининг АКТ дан фойдаланиш даражаси қандай?**

А) Яхши

Б) Ўртача

В) Қониқарсиз

**Ўқитувчининг касбий маҳоратини қандай баҳолайсиз?**

А) Яхши



Б) Ўртача

В) Қониқарсиз

**Таълим жараёнининг амалиёт билан боғланганлигини қандай баҳолайсиз?**

А) Яхши

Б) Ўртача

В) Қониқарсиз

**Ўқитувчининг янги методлардан фойдаланиши?**

А) Яхши

Б) Ўртача

В) Қониқарсиз

Модернизация қилиш шароитида таълим тизими масаласи энг асосий ва марказий факторлардан биридир. Зеро унинг замирида инновацион механизмларнинг шаклланиши ва таълимни ривожлантириш масаласи ётади. Бунда "модернизация" фақат сунъий қолипда ва қалбаки шаклда, тараққиёти жадал суръатларда ошиб бораётган мамлакатлар ортидан қувиш, номига бўлса ҳам модернизацияни жамъиятнинг турли соҳалари ва ҳаётнинг кўплаб тармоқлари бўйича олиб кириш, уни кўз-кўз қилиш эмас, балки бу жараёнли ислоҳотни, дарҳақиқат, халқнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти ва умуман барча жабҳаларнинг ривожланишидаги ўзига хос ўрни, илмий ва амалий аҳамияти, етишиб чиқаётган кадрларнинг инновацион механизмларни ўзлаштириши даражаси, янгиликларга бўлган иштиёқи, том маънода ижтимоий ҳаётнинг барқарор шаклланиб бориши нуқтаи назаридан қабул қилмоқ ва бу жараёнга шу нуқтаи назардан қабул қилмоқ зарурдир. Демак барча соҳаларда бўлганидек, модернизация қилиш жараёнига таълим тизимида ҳам онгли ёндашиш лозим.

**Модернизация** - (лотинча - moderne – энг янги) – такомиллаштирилган, яхшиланган, янги талабаларга жавоб бера оладиган деган маънони билдиради.

**Модернизациянинг икки тури ажратилади:**

а) Органик (Ички резервлар ҳисобига трансформацияни ўтказиш).

б) Ноорганик (Трансформация ташқи давлатлар иштирокида амалга оширилади).

**Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш таълим сифатининг асосий якуний сифатидир, бу қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар ўқув-ёрдамчи фаолит ходимлари, маъмурий ходимлар ва б.;

-технологиялар педагогик тарбиявий, информациявий бошқарув, назорат қилувчи ва б.;

-моддий-техникавий таъминот бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва б.;

-меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот;

-рағбатлантиришлар ва асослар;

-ташқи таъсислар бозор иқтисодиёти талабалари, корхоналар, жамият ва давлат.

Таълим тизимининг юқорида келтирилган таркибий унсурлари устунлик қилувчи омиллар мажмуини белгилайди, булар таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этади.

-Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг такомиллаштирилган негизида "Портлаш эффекти"га эришиш омилларини шакллантириш;

- Олий таълимнинг ДТС таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига зарурий ўзгаришларни киритиб бориш ҳамда уларга мос ўқув-услубий комплексларнинг янги авлодини яратиш;

- Фанларнинг ўқув-услубий таъминотини янада мукаммаллаштириш орқали мустақил таълим учун шарт-шароитни яхшилаш, таълимнинг демократик моделини яратиш;

- Янги педагогик технологияларни ўзида мужассамлаштирган инновацион дастурий дидактик мажмуа яратиш.

Таълим жараёнини модернизация қилишда таълим муассасаларининг фаолияти ва давлат талабларининг унга мутаносиблиги алоҳида тамойил сифатида қаралмоғи лозим. Бугунги шароитда университет ва олий таълим муассасалари даврнинг энг долзарб муаммолари ва талаблардан келиб чиққан ҳолда билим бериш, билим олиш, марказлари сифатида намоён бўлмоқда. Бас шундай экан, бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда айни шу мақомга муносиб бўлмоқ, жаҳон цивилизацияси ва маориф соҳасида ўз ўрнига эга бўлган олий таълим муассаслари қаторидан ўрин эгалламоқ галдаги муҳим ва истиқбол вазифамиз керак бўлса мажбуриятимиздир.

Бундай шароитда, юқори малакали педагогларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади. Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг юқори билим даражаси мамлакатнинг турли соҳаларидаги мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳар соҳада етакчиликни қўлга олиш, ўзга мамлакатларга у ёки бу даражада қарамликдан халос бўлишда аҳолининг илмий ва касбий салоҳияти асосий омиллардан бири сифатида баҳоланади.

Бугунги кунда сифатли олий таълим олган субъект меҳнат бозорида талабга эга бўлади. Тез ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шароитларда бозор конъюктурасини ўзгариб бораётган бир пайтда рақобатбардош бўлишга кучи етади. Чуқур билим, ортирилган малака ва амалий тажриба сифатининг асосий омилларидан бўлиб, инновацион таълим бу кўрсаткичларни XXI-аср тараққиётига тайёрлаши бугуни куннинг долзарб масалаларидан хисобланади. ОТМларнинг сифатиини назорат қилиш хозирда – аттестация, аккредитация, рейтинг даражасининг аниқлаш орқали амалга оширилади.



# II БОБ. ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## 2.1. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар

Мустақил таълим муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малака шакллантиришни ўзлаштириш даражасини амалга оширувчи таълим шакли бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари, билимлар тақсимотига тайёргарлиги асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги схемада келтирилган мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Талаба томонидан мустақил равишда жавоб ёзишни ( реферат ёки ҳисобот шаклида) талаб этувчи саволлар ишлаб чиқилади. Талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар ишлаб чиқилади. Мустақил ишларни уч турга ажратиш мумкин:

Ёзма мустақил топшириқларга қуйидагилар киради: ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

График мустақил топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: турли лойиҳаларнитайёрлаш чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш, (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва х.з), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Амалий характердаги мустақил топшириқларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин: Ўқувчиларўқитувчи топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширадилар.Мустақил ишлар мураккаблик даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифаларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалари билан ишлаш, конспект тайёрлаш.

Типик топшириқларни ечиш. Бунда талаба аввалги билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайтаради.

2. Ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди. Масалан: масала, машқ ечиш;

3. Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Талаба ўрганган билимлардан янги шароитда фойдаланади. Шароитларда маълум умумийлик бўлиши мумкин.

4. Ижодийфаолиятга асос яратиш. Бунда талаба ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янга муносабат, боғланишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга боғлайди[1].

Барча мустақил ишлар ўқувчиларда ижодий ишлаш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган. Ўқувчи ижодий ишлашга ўргатилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан кўчириб келиш билан кифояланиб қолиши ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши мумкин.

Бугунги кунда мустақил иш сифатида кўпроқ репродуктив топшириқлар берилади, аммо ижодий фаолиятни талаб этувчи топшириқлар камдан-кам холда қўлланади. Натижада ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилияти шакллантирилмайди.

Мустақил ишларни индивидуал - дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда ўқувчилармақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар - ахборотларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2) Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади.

3) Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш,янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиладиган вазифалар берилади.

---

[1]Рочипский В,М. "Азбука педагогического труда" М: 2000. стр 33.



4) Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унгача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек мустақил ишлар ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамлашга, малака ва кўникмаларни шакллантиришга катта хисса қўшади. Бугунги кунда малакали мутахассис тайёрлаш жараёнини мустақил ишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, айнан мустақил ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларда танқидий, ижодий фикрлаш рефлекслари ривожлантирилади. Аммо мусатқил ишларни ташкил этиш жараёнида маълум қийинчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд:

1. Тарқатма материалларни тайёрлаш масаласи. Педагог томонидан тайёрланган тарқатма материаллар ҳар бир талаба учун кўпайтирилиши лозим. Грухда ўқувчилар сони ўртача 20 та бўлиши мумкин. Ҳар бир тарқатма материални 20 тадан кўпайтириш учун маълум маблағ талаб этилади. Педагог ҳар гал ўз ҳисобидан маблағ ажартиш имконига эга эмас.

2. Дарс жараёнида ташкил этилувчи мустақил ишларни баъзан кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш усулидан фойдаланган ҳолда ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун кичик гуруҳларда ишлашга қулай аудиториялар талаб этилади, аммо бундай имкониятлар олийгоҳларда ҳозирча йўқ.

3. Кўпчилик педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш маҳоратига эга эмас.

4. Инсоннинг ривожланишини ва шахс сифатида шаклланишининг асоси фаолиятдир. Фаолият жараёнида қанчалик кўп саволлар ва қизиқиш вужудга келса, шунча катта ривожланишни кутиш мумкин.Фаолият жараёнида тафаккурда сифат ўзгаришлар рўй беради. Яъни дунё ҳақидаги тасаввур ва тушунча бойиб боради. Эмоционал хотира ўрнига мантиқий хотира вужудга келади.Бевосита идрок ўрнини мақсадга қаратилган кузатиш эгаллайди. Тасаввур ижодий характер касб этади. Фаолиятда мотив катта ўрин эгаллайди. Мотив хилма-хил бўлиши мумкин бу қизиқиш, жавобгарликни сезиш, мусабақалашиш каби мотивлар бўлиши мумкин. Ўқув жараёнида мустақил ишларни ташкил этар эканмиз ўқувчиларда биринчи галда мотивацияни уйғотишга эътибор қаратишимиз лозим. Мотивация шахсни ҳаракатлантирувчи кучдир. Аммо бугунги кунда педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида ана

шу омилга камроқ эътибор қаратадилар. Бу эса ўз-ўзидан мустақил ишларни самарадорлигини пасайишига олиб келади.

5. Мустақил ишларни бажариш учун ўқувчилар талаб этилувчи билимлар билан яхши қуролланган, мавзуни чуқур ўзлаштирган бўлишилари лозим. Агар маъруза дарсида талаба етарли тушунчага эга бўлмаган бўлса, у топшириқни ижобий хал этиш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун мустақиш ишларни ташкил этишда аввалам бор билимларни фаоллаштириш, эслаш, корректировка қилиш ва ягона хулосага келиш мақсадга мувофиқ.

Мустақил фаолиятни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи кўпроқ дидактик материаллардан фойдаланади. Дидактик материалларга Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар ўйинлар, крассовордлар каби материаллар киради (2.1- расм).




**2.1.расм. Дидактик материаллар.**

Шунингдек ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, амалий ишни ташкил этиш буйича технологик хариталар киради.
Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1.Муаммоларни ҳал қилишга йуналтириш;
2.Тадқиқотлар олиб боришга йуналтириш;



3.Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
4.Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мулжаллаш;
5.Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ўрганишни таъминловчи ва амалиётларни ўтказишга йўналтирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Буларга йўналтирувчи матнлар, лойиҳалар ва модулларни мисол қилиш мумкин. Бу ўқув материаллари Ўқувчиларни мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятига йўналтиради. Ўқув материаллари ўқувчиларнинг фанга тегишли фаолият усули бўйича назарий маълумотлар билан бир қаторда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун турли хилдаги, ҳажмдаги ва мураккабликдаги савол ва топшириқлар тизимини қамраб олиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибига ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик ўйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш дилиллардан янги хулосалар чиқариш ҳамда янгича фаолият усулларини фаолиятда қўллаш билан ажралиб туради.

Муоммали вазиятлар ва ижодийўқув топшириқларини ишлаб чиқишда қуйидаги қоидаларга риоя этилиши тавсия этилади:

-топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши керак;

-ўқув топшириғидаги муаммони ҳал этишда ўқувчилар ақлий фаолиятини турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутади;

-топшириқлар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак;

-топшириқлар ечимини аниқлаш ва Ўқувчилар онгида ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим;

-топшириқларни бажариш жараёнида талаба оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини бериши лозим;

-топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;

-топшириқни бажаришда талаба тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ва ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади.

Мустақил ишлар талабанинг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявийаҳамияти шундаки, талаба ўз

билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустақил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Мустақил ишларнинг турлари, шаклларини танлашда "оддийдан-мураккабга" ҳамда "умумийдан-хусусийга", "мавҳумдан-аниқликка" тамойилларига амал қилиш лозим. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир талаба шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси инобатга олиниши, шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

## "Кластер" методи

"Кластер" *(ғунча, боғлам)* методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у Талабаларга ихтиёрий (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тўзилмани аниқлашни талаб этади. "Класстер" методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили би-лан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

## Кичик гуруҳчалар усули.

Бу усулда гуруҳ талабалари неча гуруҳга булинади, ҳар бир гуруҳда 4-5 тадан талаба бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг рахбари тайинланади. Уларга олдиндан вазифа берилади. Гуруҳ талабалари семинарга биргаликда тайёрланиб ўз саволларини тулик очиб бнришга ҳаракат қилишлари керак. Бошқа гуруҳлар асосий маърузачига саволлар берадилар, саволларга гуруҳнинг талабалари жавоб беришда ёрдам берадилар. Асосий маърузачи химоясидан сўнг апонентлар саволни янада тўликроқ изохлаб беришлари керак. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ талабалари ўзларини фикрларини билдиргач, тадқиқот олиб борган гуруҳга баҳо қўйиб изох беришлари керак. Бундай усулда иш олиб бориш учун гуруҳларни тўзишда талабаларнинг билими тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳ рахбари қилиб яхши ўзлаштирувчи талабаларни танлаш лозим. Бу усулда талабаларнинг мустақил ишлаши, ижодий ёндашиши, коллектив бўлиб иш бажариш каби малакалари ривожланади. Талабаларнинг ўзаро муносабати чуқурлашади ва индивидуал хусусиятлар намоён бўлиши ортади.



## «Ақлий ҳужум» методи

Кейинги пайтда мия иш фаолиятининг фойдали иш коэффициентини оширишга мўлжалланган турли хил методлар ишлаб чиқилмоқда. «Ақлий ҳужум» – *«брейнсторминг» (brain storming)* инглизча сўздан олинган бўлиб, фаол таълимнинг, бошқарувнинг ва тадқиқотнинг методларидан бири ҳисобланади. Бу метод ақлий фаолликни қўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.

Бу методнинг пайдо бўлиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизида хизмат қилган америкалик мутахассис А.Осборн билан боғлиқ.

"Ақлий ҳужум" методини ўтказилиш технологиясини қуйидагича тушунтирса бўлади.

"Ақлий ҳужум" методини ўтказувчи киши маълум муаммони илгари суради ва иштирокчилардан бу муаммони ҳал қилиш бўйича қандай мулоҳазалари борлигини ҳамда улардан энг кутилмаган фикрларни ҳам илгари суришларини сўрайди. Методни ўтказувчи киши барча фикрларни ёзиб боради. Шу ўринда айтилаётган фикрларга нисбатан танқидий муносабат билдирмайди ва фикрлар охи-ригача ёзиб борилаверади.

"Ақлий ҳужум" методини ўтказишдан кўзланган мақсадлар қу-йидагилар:

– муаммони ҳал қилиш учун ғояларни чиқариш;
– ғояларни уларнинг аҳамиятлигига қараб, тартиблаш;
– фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
– кутилмаган ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
– топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ижод психологиясида таъкидланадики, ғояларни ишлаб чиқиш жараёнида танқидий фикрлар бу жараённи секинлаштиради. Ҳатто энг кучли ғоялар генератори ҳам танқидчиларга қаршилик кўрсатишга ожизлик қилиши мумкин.

## "6Х6Х6" методи

Бу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар талабани муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. "6х6х6" методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тўзади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан бита-дан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳ томонидан муаммо (масала)

ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

"6х6х6" методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

*– гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;*

*– улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;*

*– гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;*

*– илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.*

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қиска вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

### "Юмалоқланган қор ўйини" методи

Ушбу метод ҳам мавзуни муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда талабаларда гурух ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

*– тасвирли карточкалар тайёрланади:*

*– уларнинг орқа томонига мавзуни ўзлаштиришга оид ўн беш вариантдан иборат топшириқлар ёзилади;*

*–талабалар икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар (гуруҳларни ҳосил қилишда тасвирли карточкалардан фойдаланилади);*

*– ҳар бир гуруҳ аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктириладилар;*

*– ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради;*

*– жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.*

"Юмалоқланган қор ўйини" методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниҳоятда қулай.

### "Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

*– мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;*

*–улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;*



*– тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;*

*– жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;*

*– кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;*

*– жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.*

### "Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи

Ушбуметодталабаларгамуайянмавзуларбўйичабилимларидаражасинибаҳолайолишимконинииберади. Методниқўллашжараёнидаталабаларбилангуруҳлиёкиоммавийишлашмумкин. Гуруҳшаклидаишлашдамашғулотякунидаҳарбиргуруҳтомониданбажарилганфаолияттаҳлилэтилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

1) *ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;*
2) *гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитучи томонидан берилган топшириқларни бажаради.*

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| | | |

Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эхтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти қуйидагича:

*– Талабалар гуруҳларга бириктирилади;*

*– Талабаларнингянгимавзубўйичатушунчаларгаэгаликдаражасиўрганилади;*

*– Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;*

*– Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;*

*– ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништиради;*

*– Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;*

*– баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;*

*– машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.*

**"Зиг-заг" методи**

Метод талабалар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзуни тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қилади. Методнинг афзаллиги қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

*1. Талабаларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади;*

*2. Мавзуни ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежалади*

"Зиг-заг" ёки "Бошқаларни ўқитиш" методи

"Зиг-заг" методининг қўлланиш қоидаси қуйидагича:

*1 – босқич. Кичик гуруҳлар ташкил этилади.*

*2 – босқич. Ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига 1, 2, 3 рақамлари ёзилган қоғозлар (топшириқлар сонига қараб) тарқатилади.*

*3 – босқич. Ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар алоҳида стол атрофида бирлашади (1,1,1,1), (2,2,2,2), (3,3,3,3) ва ушбу гуруҳларнинг ҳар бирига алоҳида топшириқлар берилади (мисол учун 1-гуруҳга методик, 2-гуруҳга илмий, 3-гуруҳга дидактик таҳлил).*

*4 – босқич. Гуруҳ иштирокчилари белгиланган вақт оралиғида берилган таҳлил турларини пухта ўрганадилар ва ҳар бир иштирокчи "ўқитувчи" даражасига кўтарилади.*

*5–босқич. Ҳар бир иштирокчи аввалги ўрнига қайтади ва ўзининг пухта ўрганиб келган материалини (дарс таҳлили турини) шерикларига галма-галдан тушунтириши керак. Мана шу тартибда дарс таҳлили турлари талабалар томонидан мустақил ўрганилади. Ва бу ишларнинг тақдимоти ўтказилади.*

*Дарс таҳлилининг қайси тури бўйича тақдимот қилиш ўқитувчи томонидан белгиланади, яъни гуруҳлар тақдимот қилиб берадилар. Ҳар бир гуруҳлар тақдимотини қолган гуруҳлар баҳолайди.*

*Баҳолаш мезони максимал – 10 балл. Мазмун – 6 балл, тақдимот – 4 балл. Ғолиб гуруҳ ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади.*



**"Вен диаграммаси" методи**

Ушбу метод Талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. "Вен диаграммаси" методи кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:




Метод Талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу методдан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Методни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

*– Талабалар тўрт гуруҳга бўлинади;*

*– ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;*

*– ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;*

*– топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;*

*– лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларниумумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар.*

## 2.2. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар.

Кейинги йилларда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил таълим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки эндиликда таълим беришнинг анъанавий усуллари орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга, фаолликка ўргатиб бўлмайди.

Мустақил таълим олиш технологияси ўзининг конгнитив мазмунига кўра қуйидаги тамойилларга эга:

– касбий йўналганлик;

– ўқув менежменти;

– мустақил ишлашнинг турли шакллари (масалан, касбий фанлар ёки ижтимоий фанлар бўйича тузилган индивидуал дастурлар бўйича таълим олиш);

– ўз-ўзини бошқаришни таъминлаш ва таълим олувчиларининг ижтимоий сафарбарлигини ошириш, ўқувчиларни дидактик қўлланмалар билан таъминлаш;

– таълимда сифатий кўрсаткичларга эришиш мақсадида гуруҳларда фаолият кўрсатишга имкон яратиш;

Таълимдаги касбий йўналганликни таълим мазмунини ўқитишнинг шакл ва методларини охирги мақсад – рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга йўналтириш тарзида тушунмоқ керак. Шу сабабали бу ўринда талабанинг мустақил фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Ўқувчиларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларнитакомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади ўқувчиларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқимида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Ўқувчилар мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

• айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;



• Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;

• семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;

• берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;

• ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;

Ўқувчилар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

Аудиторияда амалга оширилган мустақил ишлар.Ўтилган мавзуни қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустахкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар аудиториядан ташқарида амалга оширилган мустақил ишлар қаторига киради.

Биринчи тур ишлари ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва ҳ.к. усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назорат) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг дарс пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган вазифаларни бажаришдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи тур ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган консультация соатларида амалга оширилади.Курс иши ва лойиҳасини, ҳамда битирув ишларини ташкил қилиш бўйича олиб бориладиган фаолият ҳам аудиториядан ташқарида олиб бориладиган мустақил ишлар қаторига киради.

Мустақил ишлар жорий ўқув жараёни билан биргаликда ва узвий боғлиқликда олиб борилади. Умуман мустақиллик – шахс характерининг хусусиятларидан бири бўлиб, инсоннинг тафаккур тизимида, турли

кўринишдаги фаолият ва ҳаракатларида акс этади. Мустақиллик тушунчаси олий ўқув юрти ва лицей талабасига нисбатан айтилганда, унда талаба ўз олдида турган вазифаларни, чунончи бўлажак мутахассис сифатида шаклланишида эгаллаган барча билимларни янада мустаҳкамлаш ва унга интилиш тушунчасини билдириши мумкин.

Билимларни мустақил равишда эгаллашга интилиш - талаба фаолиятининг энг ажралиб турадиган хусусияти, мустақил ўқиб билим орттириш асоси ҳисобланади. Ўқиб билим эгаллаш ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлик кўриши, ўқишга ижодий томондан ёндашиши демакдир. Мустақил ўқиш ўқув жараёни билан бирга белгиланган дастур ва дарсликлар бўйича, баъзи ҳолларда мазкур дастур ва дарсликлардан четга чиққан ҳолда олиб борилади. Мустақил равишда билиш доирасини кенгайтириш ҳамда қўшимча назарий ва амалий материални эгаллаш талаба эгаллаётган касбий малака ва ишлаб чиқаришда мустақил ишлай билиш кўникмасини орттириш билан чамбарчас боғланган. Агар ўқув жараёни дастурлар ва дарс жадвалида кўрсатилган машғулотлар билан чекланган, олиб бориладиган барча машғулотлар дарс хонасида тугалланадиган бўлса, у ҳолда тайёрланаётган мутахассисларнинг билими бир томонлама бўлган бўлар эди.

Айтиш лозимки, ўқув жараёнининг холис ўзи мутахассислар тайёрлаш учун етарли эмас. Ўқиш жараёни мустақил билим орттириш билан уйғунлаштиргандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Адабиётлар билан мустақил ишлаши, уни ўқиб чиқиб тушуниш, эслаб қолиш нуктаи назардан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларни (масалан, масала ечишни, курс лойиҳаси ва битирув иши лойиҳаларини) ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни топиш нуқтаи назардан қараш керак. Мазкур ҳолда ўқувчилар адабиёт ва бошқа манбалар билан ишлашнинг моҳиятини кўрадилар. Ушбу ҳолат талабанинг ишлаб чиқаришда тезроқ ёндашиб кетишига тегишли шарт-шароитлар яратади.

Мустақил ўқишни аудиториядан ташқарида ташкил этишусули–талабанинг билими, малакаси ва маҳоратини чуқурлаштиришга қаратилган талабанинг уйдаги ҳатти-ҳаракатларидир. Бунга талабанинг мустақил равишда ўқув материалини ўзгаларнингёрдамисиз ўрганиши, унинг моҳиятини англаши, масалаларни, реферат, курс ишини, битирув ишларини ижодий йўл билан бажариши киради.

Реферат, курс иши ва битирув ишларининг вазифаси махсус фанларидан олинган назарий билимларни мустақил билим орттириш йўли билан амалий мустаҳкамлашдан иборатдир. Ўқувчилар курс иши ёки битирув иши бажаришар экан, улар албатта, чизиш, ҳисоблаш, таҳлил ишлари билан бирга (бир вақтнинг ўзида) бажариладиган ишлар бўлиб, изланишлар ва прогнозлашнинг илғор усуллари асосида мустақил равишда олиб борилади. Курс иши, лойиҳа ва битирув ишларининг, ўқувчилар



томонидан мустақил бажарилиши,ўқувчиларнинг лойиҳалаш ишларидаги малакасини оширади ва махсус адабиёт ва билдиргичлардан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатади.

Ўқувчиларда курс ишини бажариш малакасини шакллантириш, ҳамда ўқувчиларнинг иқтисодий муаммони ечишдаги ижодий изланишлари қуйидаги усулларда олиб борилиши мумкин: - муаммони атрофлича ўрганиш, унинг назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва амалий ҳолатдаги четга чиқишларни аниқлаш, хатоликларни ахтариш ва уларни йўқотиш йўлларини ахтариш. Мазкур фаолиятнинг ютуғи шундаки, у ўқувчиларни ижодий изланишларга,мулоҳазалар юритишига, янги ечимларни ишлаб чиқишга ундайди.

Бугунги кунда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёни кетаяпди. Шу сабабали битирув малакавий иш мавзулари буюртмачилар билан маслаҳатлашган ҳолда танланмокда.Битирув малакавий ишларнинг натижалари буюртмачилар томонидан баҳоланади ва реал вазиятларда улардан фойдаланилади. Шундай қилиб ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ва ишлаб чиқаришў ўртасида узвий алоқалар ўрнатилмоқда.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустакил ишлар лойиҳа ва кейс-стади усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши бугунги кун таълим тизимидаги янгиликлардан бири десак, хато қилмаймиз.

Таълим олувчиларга мустақил ишлаш бўйича уйга вазифа беришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- ўқув адабиёти тузилиши билан танишиш;
- матнларга кўз югуртириб чиқиш;
- алоҳида бобларни ўқиш;
- ўқув адабиётидан саволларга жавоб қидириш;
- ўқув материалларини ўрганиш;
- реферат ёзиш;
- қисқача баённома тузиш;
- мисол ва машқлар ечиш;
- тест синовларини бажариш;
- ўқув материаллари мазмунини тушуниш ва хотирада сақлаб қолиш.

Ўқувчиларни ўқув адабиётларидан мустақил фойдаланишга ўргатишда қуйидагилар назарда тутилади:

– Ўқувчиларда ўз билимини текшириш малакасини шакллантириш;

– уйда китоб билан ишлаш орқали дарсда олинган билимларни мустаҳкамлаш;

–Ўқувчиларнинг ўқув материали мазмунини тушунишлари учун уларни режа асосида ўқиш, мантиқий–тузилмавий схемалар, жадваллар ва расмлар шаклида ифодалаш, конспект ёзиш каби амалий ишларга ўрганиш.

Талабанинг билимларини ўзлаштиргани тўғрисида китобни неча марта ўқиганига эмас, балки ўқув материаллари мазмунини тушунганига кўра хулоса чиқариш ва уни баҳолаш керак. Бунда талабанинг кўп ўқиши эмас, балки ўқиганларини фаол эслаб қолиши муҳим ҳисобланади.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўқув адабиётларидан мустақил фойдаланишга ўргатишда ўқув машғулотининг технологик харитасидан фойдаланиши лозим.

Биринчи босқичдаўқитувчи машғулотга тайёргарлик кўради,Ўқувчиларнинг мустақил ўрганишлари учун ўқув материалини танлайди, ўқув фаолиятининг мақсади, вазифаси, натижаси ва уни баҳолаш мезонини белгилайди.

Иккинчи босқичда мавзуни эълон қилади, янги ўқув материали мазмуни ва мустақил ишни бажариш тартибини ўқувчиларга тушунтиради.

Учинчи босқичда ўқувчиларга индивидуал ёрдам беради.

Тўртинчи босқичда ўқувчиларнинг бажарган ишини назорат ва таҳлил қилади, натижаларни баҳолайди.

Шундай қилиб, махсус фанлардан ташкил этиладиган мустақил ишларнинг мақсади ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, уни ижодий ишлаш ва мустақил фикрлашга ўргатишдир. Ўқувчилар мустақил ишлаш малакасига эга бўлганидан кейин тўгараклар, конференциялар, конкурслар, олимпиадалар ва бошқа тадбирларда фаол қатнашадилар.

Аудиториядан ташқарида талабалар фаолиятини ташкил этишда мустақил фаолиятни ташкил этишга ёрдам берувчи ташкил этувчилардан фойдаланиш қулай. Улар талабалар билимини мустаҳкамлаш ва баҳолаш жараёнини осонлаштиради. Бундан ташқари аудиториядан ташқари мустақил фаолиятни ташкил этишда кейс ва лойиҳа методини ўзига хос ўрни мавжуд.

**Кейс -стади методи.**

*Кейс-стади* (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс – бу реал хаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.



Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

У илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

*Кейсолог фаолияти мазмуни:*

- Кейснинг ўқув курси тўзилмасидаги ўрнини белгилаш.
- Унинг таълим мақсадини тўлиқ ифода этиш.
- Кейснинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулиятзонаси»нианиқлаш: ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши/ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати
- Кейс ҳаётийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик тусида бўлиши?
- Кейс объекти аниқ шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд у кўп объектли бўлади?
- Фақат шундан кейин у институционал тизимни танлайди (кабинетли кейс учун).

*Кейс учун ахборот йиғиш усуллари:*

Интервью,суҳбат, ўрганиш (архив ҳужжатлари, ҳисоботларни), кўзатув ва ҳ.к

*Ахборот йиғиш воситаси:* Сўровнома варағи, интервью олиш варағи, анкета , ҳар хил жадваллар ва бошқалар.

*Ахборот манбалари:*статистик материаллар, ҳисоботлар; вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар; Интернет; оммавий ахборот воситалари; корхона раҳбарлари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион

фондлар таҳлилчилари билан мулоқот; талабаларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари; илмий мақолалар, монографиялар.

Мақсадни баён этиш -ўқув курси структурасида кейсни ўрнини аниқлаш.

Кейсни таълим мақсадини кўрсатиб бериш.

Талабани ўқув ютуқлари, натижалари учун кейсни "жавобгарлик зонаси"ни аниқлаш: кейсни ишлаб чиқиш жараёнида билими ва савияси, ўзлаштириши, тафаккури ва бошқалар.

**Лойиҳа методи**

Лойиҳавий таълим педагогика амалиётида 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда.

Немис педагоги М. Кноллнинг тадқиқотига кўра, *«лойиҳа»* тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ.

- XVIII аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцариядаги, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида тарқалди.
- *Лойиҳалар усули* «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» ғоялари юзага келди.
- Америкалик педагоглар В. Килпатрик, Е. Коллингс ва Е. Пархерстнинг ишларида ривожлантирилди, улар таҳсил олувчиларнинг нафақат фаол ўрганиш фаолияти, балки биргаликдаги меҳнат, ҳамкорлик асосидаги фаолиятини ташкил эта бошладилар.
- 1911 йилда АҚШ Тарбия бюроси «лойиҳа» атамасини қонунлаштирди ва у америка педагогикасида янада мустаҳкамлана бошлади.

Лойиҳа» атамаси ижтимоий фанлар соҳасига техника соҳасидан ўтган бўлиб, «**Лойиҳа** *(*лотинча-projectus, дан таржимада олдинга ташланган) – аниқ қоидаларга мувофиқ у ёки бу соҳа ҳолатини қайта қуришнинг асосий ғоясини англатади.

**Таълим маъносидаги лойиҳалаштириш** ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.



***Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари:***

- Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга уларни қизиқтирган муаммони тадқиқ қилиш ва уни ҳал этишда йўналтириш ва ёрдам беришда ўқитувчи ўрнини белгиловчи ўқув муҳитини яратади;
- Фан билимларини мустаҳкамлашга ва уларни ривожлантиршга ёрдам берувчи ўқув муҳитини яратади;
- Талабаларга мустақил ҳаракат қилиш, (амалиётга йўналтирилган) аниқ якуний натижа олишни таъминловчи ўқув муҳитини яратади;
- Ҳақиқий ҳаёт билан таълимнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатади.

**ЛОЙИҲА ТУРЛАРИ:**

Изланувчилик фаолияти хусусиятидаги ўқув лойиҳаларнинг турлари

1.**Тадқиқотчилик лойиҳалари** – бу илмий изланиш хусусиятига эга бўлиб, қуйидаги ишларни бажариш ва аниқлаш назарда тутилади:

- муаммони долзарблигива ишлаб чиқилганлигини;
- Тадқиқот мақсади;
- Фараз, вазифалар;
- Муаммони ўрганиш усуллари;
- Ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- Тажриба ўтказиш;
- Амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Ижодий лойиҳалар**

ҳамкорий фаолиятда ишлаб чиқилган янги маҳсулотни ижодий шаклдаги (ижодий ҳисобот, кўргазма, ишлаб чиқариш хоналарини дизайни, видеофильм, нашрий маҳсулотлар – китоблар, альманах, компьютер саҳифаларидаги журнал, компьютер дастурлари ва б.)тақдимоти.

*Ижодий иш гуруҳи - бу (лабораториялар, устахоналар, конструкторлик бирлашмалари, редакциялар ва бошқалар)*

**Ахборотли лойиҳалар** – ўқув жараёни ёки бошқа буюртмачилар учун муҳим бўлган ахборотларни йиғишга йўналтирилган.

Лойиҳани ишлаб чиқиш турли манбалардан: монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, социологик сўровномалар, электрон маълумотларни излаш билан боғлиқ.

Лойиҳа натижаси – буклет, нашр, Интернет саҳифаси шаклидаги тақдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган, тизимлаштирилган ахоротдир.

**Қўллаш соҳасига боғлиқ равишда ўқув лойиҳаларни турлари**

- **Ишлаб чиқаришга оид (техникавий)** ва ижтимоий лойиҳалар. Бунда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий томонларини (бошқарув, уй-жой шароитини яхшилаш ва бошқа муаммоларни)

такомиллаштириш учун муҳим бўлган муаммоларни ҳал этиш назарда тутилади.

**Муаммони ишлаб чиқиш хусусияти билан мувофиқликдаги лойиҳалар**

- Назарий ва амалий йўналтирилган лойиҳалар. Бунда касб таълими йўналишидаги талабалар педагогика тарихи фанида тарбияга бўлган ёндашувларни ўрганиш асосида ижодий гуруҳларда ўзларининг шахсий тарбиянинг концепцияларини ишлаб чиқадилар.
- **Амалий хусусиятдаги лойиҳада аниқ амалий**, яъни мактаб ёки аниқ ўқитувчининг буюртмаси бўйича муаммони ҳал этишга йўналтирилади (услубий лойиҳа). Бу лойиҳалар битта лойиҳада ўз аксини топиши ҳам мумкин.

## 2.3. Олий таълим муассасаларида инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишга эришиш йўллари

Ҳаётимизнинг барча соҳалари каби таълим тизимини ҳам модернизациялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Инновацион таълим муҳитини яратиш, уни халқаро андозаларга тўлиқ мослигини таъминлаш ёшларимизни бугунги тез ўзгарувчан ижтимоий ҳаётга муваффақиятли ижтимоийлаштиришнинг муҳим омилидир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ҳамда мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажриба асосида такомиллаштиришни кўзда тутади. Бунинг учун, аввало, барча таълим муассасаларидаги дарс жараёнларини илғор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган замонавий услубиёт билан таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмунини янгилаш тизим олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим самарадорлигини ошириш, ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни, интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларидан хабардор ўқитувчилар керак.

Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда ёшларга замонавий билим бериш ва уларда амалий кўникмани ривожлантиришда инновацион технологияларнинг ўрни беқиёс. Илғор педагогик технологияларни қўллашда замонавий ахборот технологиялари кенг имкониятлар яратмоқда. Таълимда инновацион технологиялар ҳамда замонавий услублар таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириб, рақобатдардош



кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Мазкур инновацияларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасасида амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Инновацион технология ва ишланмаларни тараққий эттириш масалалари мамлакатимизда илм-фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишига, уларнинг қўллаб-қувватланишига узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан таълим муассасалари, олий ўқув юртларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш, олий ўқув юртларининг илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шунингдек ёшларнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш кўникмасини ошириш, пировард натижада таълимда инновацион усулларни кенг жорий этиш орқали рақобатбардош, малакали кадрларни етиштиришга қаратилган.

Кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим бўғини – инновациялар бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш қилмоқда. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли ҳисобланади, ҳамда таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан афзалроқ муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир.

Янги педагогик технологияларни хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Келажакда таълим тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч сифатида инновацион таълим, ўқитувчи фаолиятини янгилаш, таълим-тарбия жараёнини мақбул қуришга, талаба ёшларда ҳур фикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади.

Бунда таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш; олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор педагогик технологияларини жорий қилиш, бу борада ўқув-услубий мажмуалар сифатини таъминлаш, педагогик технологияларни жорий этишда профессор-ўқитувчиларнинг компьютер ва интернетдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини доимий ошириб бориш; олий таълимнинг ахборот-ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш; мазкур йўналишларда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш олий таълим муассасалари, хусусан, педагог кадрларининг фаолият йўналишлари таркибини белгилайди.

Таълим сифатини таъминлаш - битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Ушбу вазифа бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш мисолида аниқ мақсадларга йўналтирилган кўрсатма ва тамойиллар кўринишида ўз аксини топган.

Шу боис, ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қуйидагилар билан ўлчанади:

- Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиш узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

- Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интелектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Дарҳақиқат, таълимга инновацион (инглизча *innovation* - янгилик киритиш) ёндашув ғояси таълим мазмуни ва натижаларининг шахсга



йўналганлиги, таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларини фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари, илғор тажрибалар, замонавий методикалар билан уйғунлаштиришга қаратилганлиги билан анъанавий ёндашувдан фарқ қилади.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёнларнинг кечиши қуйидагича тасвирланади[1]:

- Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо бўлиш босқичи;
- Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи;
- Яратилган янгиликни амалий қўллай билиш босқичи;
- Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи;
- Муайян соҳада янгиликнинг хукумронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади;
- Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасининг қисқартириш босқичи.

В.А.Сластенин педагогик жараёнга инновацион ёндашишни ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни ва шаклига янгилик киритиш билан изоҳлайди[2].

Таълим тизимига киритилаётган ҳар қандай инновация ахборот ва методик таъминотнинг мавжудлигини кўзда тутади. Шу сабабли, олий таълим муассасалари ўқув жараёнига инновация киритишда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлили қилиш ва умумлаштириш ҳамда педагогик-психологик фанларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш муҳим йўналишлардан саналади.

Бу эса ўз навбатида ўқув машғулотларини ташкил этишнинг самарали шакллари сифатида маъруза (муаммоли маъруза, маъруза-семинар, виртуал-технологик маъруза, визуал маъруза, бинар маъруза, кириш маърузаси, маъруза-конференция, ахборотли маъруза, маъруза баҳс-мунозара, шарҳловчи маъруза, on-Line маъруза) тренинг, видеотренинг, вебинарлар, интернет конференциялар, инновацион ўқитиш методлари сифатида эса муаммоли методлар, интерфаол методлар, амалий ўйинлар, ўқув лойиҳалари, портфолиолар, график органайзерлар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш заруратини юзага чиқаради.

---

[1] Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.-Т.: "Молия", 2006.- Б. 12-14

[2] Сластенин В.А. и др. Педагогика. - М.: "Академия", 2002. – С.5-6.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацияларни татбиқ этишдаги яна бир муҳим компонент - ўқитувчи, унинг касбий компетентлиги ва инновацион фаоллиги ҳисобланади.

Компетентлик (лат. competens) – фаолият талабларига мос келиш, яроқлилик, лаёқатлилик.

Мутахассиснинг касбий компетентлиги – унинг касбий тайёргарлиги ва касбий етуклилигини баҳоловчи меъёр.

Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф. Зеер касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатди[1]. Хусусан, касбий компетентликнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини киритади.

Инновацион компетентлик – таълимдаги инновацион жараёнлар моҳиятидан хабардорлик, касбий фаолият соҳаси ва тегишли таълим йўналишидаги инновацияларни ўзлаштириш, амалиётга фаол татбиқ этиш, замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлик, чет тилларни ўзлаштириш, новаторлик фаолиятида кўринади.

Мазкур жараёнларда педагог шахсининг касбий фаолият соҳасига йўналганлиги, шахсий имкониятлари, касбий билим, малака, кўникмалари, касбий сифатлар ва меҳнат тажрибаси ўртасидаги уйғунлик ва инновацион жараёнларнинг фаолият соҳасига нисбатан интеграциялашувини таъминланиши инновацион компетентликни ривожлантиришдаги етакчи омиллар сифатида баҳоланади.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш ўқитувчининг педагогик жараёндаги позициясига нисбатан тренер, тьютор, фасилитатор, медиатор каби янги касбий компетенцияларни ўзлаштириш заруриятини шакллантирмоқда.

Тренер – амалий ўқитиш(машқ) асосида таълим олувчилардаги кўникма ва малакаларни шакллантирувчи, гуруҳ фаолиятини бошқарувчи, йўналтирувчи педагог-мутахассис.

Ҳозирги вақтда тренерлик билан бирга тьюторлик фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

---

[1] Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии пофессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 24 с.



Тьютор - (инг. *tutor*) бу тренерлик фаолиятидан фарқли равишда таълим олувчиларнинг индивидуал ривожланиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда махсус таълим дастурлари асосида ўқитишга йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Тренерликка йўналганлик - шахснинг фаолият турига бўлган қобилияти, қизиқишлари, эҳтиёжи ва қатъий ишончи, ёхуд "педагогик касбга қизиқиши" ва фаолиятнинг ушбу тури билан шуғулланишга бўлган иштиёқи натижасида шаклланувчи кўникмалардир.

Тренерликка тайёргарлик мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланиб, унинг негизида муайян педагогик фаолият соҳаси бўйича муваффақиятли ишлашни таъминловчи имкониятлар, шахснинг йўналганлиги(ички ҳоҳишнинг мавжудлиги), касбий билим, кўникма, малака, педагогик қобилиятлар, педагогик техника ва инсонпарварлиги яхлит мажмуа кўринишида намоён бўлади.

Тренер шахси ва унинг педагогик маҳоратига қуйиладиган талаблар:

- Шахсий-касбий сифатларнинг шаклланганлиги
- Ўқитишни билиши
- Тарбиялашни билиши
- Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини рағбатлантириши, назорат қила олиши ва бошқариши.

Тренерлик маҳорати - ички ҳоҳишнинг мавжудлиги, касбий ва соҳага оид билимлар, педагогик қобилият, педагогик техника, шахсга йўналганликни ўз ичига олади.

Тренер - ўқитувчининг фаолияти қуйидагилар билан белгиланади:

➢ Тренинг жараёнини лойиҳалаштириш, ўқув мақсадлари ва натижаларини аниқлаштириш.

➢ Тренинг ўтказиш учун зарурий ўқув-дидактик материаллар, техник воситаларни тайёрлаш, қулай шарт-шароитни яратиш.

➢ Тренингни ўтказиш, самарали иш шаклларидан фойдаланиш, жараённи бошқариш, натижаларни баҳолаш ва хулосалаш.

Тренинг – (*инглиз тилидан training-train* –ўқитмоқ, тарбияламоқ) интерфаол машғулотларни амалга оширишнинг асосий шакли бўлиб, у ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш, машқлар давомида ўзлаштириш, мулоқот алмашиш имконини берувчи ташкилий тадбир ҳисобланади. Тренинг бу нафақат таълим олувчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга балки, мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади. Тренинг мобайнида ўқитувчилар назарий маълумотларни ўзлаштириш билан бирга, уларда билиш, эмоционал ва хулқ-атвор кўникмалари ривожланиб боради.

Ҳар қандай тренинг қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Изюминка (жозиба - қатнашчилар билан ишлашнинг ўзига хос ажойиб томони) қатнашчиларнинг тренингга қизиқишини уйғотиш учун қисқа баҳс бошлаш, саволлар бериш, қатнашчилар фикрини чалғитувчи

(провакацион) таъкидларни илгари суриш ёки қандайдир фаолият турини фараз қилиш. Ўқув машғулоти қатнашчиларининг дастлабки билимлари ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини боғлашга ҳаракат қилиш. Тренинг аҳамияти нимадан иборат эканлиги сабабларини тушунтириш.

2. Қатнашчилар учун натижаларни таъкидлаш. Тренингдан қандай мақсад кутилаётганини аудиторияга тушунтириш. Қатнашчилар тренинг натижасида: «Бу тренингдан кейин нималарни билишим ва нималарни қилишим лозим?» деган саволга жавоб беришлари керак.

3. Тренернинг ҳиссаси. Тренинг учун зарур дастлабки маълумотлар, зарур билимлар (матн, маъруза, ҳужжатлар, ўқиш) ва бирор фаолият турини ўтказиш учун фан мазмунини намойиш қилиш.

4. Интерфаол стратегия - тренингнинг юрагидир. Интерфаол услубиётда фойдаланадиган иш тартибини қисқача баён қилиш. Интерфаол услуб-бу жамоавий муҳокамани ташкил этиш, фикрларни эркин айтиш, муҳокама, таҳлил ва фаолиятни баҳолашдир. Умуман тренингдаги фаолиятнинг ушбу турида қатнашишнинг барча қадамларини чизиб чиқиш. Гуруҳда ишлаш учун аниқ ва қисқа тушунтиришлар олиб бориш. Қатнашчилар тушунганлик даражасини мунтазам назорат қилиб бориш.

Тренингни якунлашга вақт етиши учун, унинг ҳар бир қисмини диққат билан ташкил қилиш. Бу ерда тренингни ўтказиш учун мўлжалланган саволлар муҳим аҳамиятга эгалигини эътибордан четда қолдирмаслик. Тренер машқларни қатнашчилар томонидан бажариш жараёнида топшириқларни тўғри бажаришини кузатиб бориши лозим.

5. Дебрифинг (хулоса) баҳолаш. Қатнашчилар ўзлари ёд олган ва ўзлаштирган билим(йўналиш)лари бўйича хулоса қиладилар, ўзлаштирган маълумотлар ва малакаларни бошқа ҳолатларда, ўқувчилар билан ишлашда қўллашни муҳокама қиладилар.

Бу - тренингни баҳолаш қисмидан иборат бўлиб, бунда «Қатнашчилар нимани ўргандилар?» саволига жавоб олинади. Тренинг давомида қатнашчилар ўрганган ёки кўрсатган билимлари натижалар билан мос келишини текширилади.

Тренинглар анъанавий ўқув машғулотларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

- бунда таълим олувчилар ёки иштирокчилар гуруҳи ёши ва билим жиҳатдан бир хил бўлмайди;
- тренинг жараёнининг асосий мақсади иштирокчиларни ўзаро мулоқотга чорлаш ва фаоллаштиришдан иборат этиб белгиланади;
- ўқитиш ва тарбиялашнинг шакл, метод ва воситалари тренинг мақсадидан келиб чиқиб танланади ва индивидуаллаштирилади.

Тренингларни самарали амалга оширишда ўқитиш методларининг танланишига катта аҳамият берилади. Чунки, ўқитиш методи тренингнинг мақсад-мазмуни, шакли, усуллари тизимида муҳим ўринни эгаллаб, жараёндан кўзланган мақсад ва кутилаётган натижани кафолатловчи восита сифатида хизмат қилади.



Илмий адабиётларда метод – табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули, ҳаракат қилиш тарзи сифатида изоҳланади[1].

Бизнинг фикримизча, метод – мақсадга элтувчи йўл, яъни, мақсадга эришиш йўлдаги хатти-ҳаракатларнинг ўзига хослигидир.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнининг асосий қисми ҳисобланиб, тегишли методларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди.

Замонавий педагогик-психологик тадқиқотларнинг амалий йўналиши сифатида бугунги кунда педагогикада ўқитишнинг бир неча методлари фарқланади:

- Пассив – таълим олувчи ўқитишнинг “объекти” сифатида намоён бўлади ( тинглайди ва кўради);

- Актив – таълим олувчи ўқитиш жараёнининг “субъекти” сифатида намоён бўлади( мустақил иш, ижодий тпшириқлар);

- Интерфаол – педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Тренингларни ташкил этишда фойдаланиладиган баъзи интрефаол ўқитиш методлари.

“SWOT-таҳлил” методи. Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength) – кучли томонлари

W – (weakness) – заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunitu) – имкониятлари

T – (tnreat) – тўсиқлар

“Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган.

Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Тушунчалар таҳлили” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

[1] Энциклопедия педагогических технологий. – М.: Владос, 2005. – 463 с.

Методни амалга ошириш тартиби:

• иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

• ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

• ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

• белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва ўизоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

• ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

"Портфолио" методи. "Портфолио" – ( итал. portfolio-портфель, ингл. ҳужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади.

Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

| Фаолият тури | Иш шакли | |
|---|---|---|
| | Индивидуал | Гуруҳий |
| Таълимий фаолият | Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ. | Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ. |
| Педагогик фаолият | Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси | Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ. |

Сўнгги йилларда педагогик атамашуносликда "андрагогика", "андрогогик таълим", "ўқитишнинг андрогогик модели" каби тушунчалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунинг ижтимоий-педагогик заруратини қуйидагиларда кўришимиз мумкин бўлади:

• илмий-техник тараққиёт натижасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ахборотлар оқимининг ортиб бориши;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйилаётган замонавий-касбий малака талаблари;

• таълим-тарбия жараёнларида фанлараро интеграция ва уйғунликни таъминлаш зарурати;

• инновацион таълим муҳити ва бошқалар.

Мавжуд илмий-назарий манбалар таҳлилига кўра "андрагогика" тушунчаси дастлаб 1833 йилда немис тарихчи-педагоги А.Капп томонидан илмий атамашуносликка олиб кирилган бўлса, унинг назарий



асослари ва андрогогик ўқитиш модели М.Ш.Ноулз (1970) томонидан ёритилган.

Андрагогика (adult learning, adult education) – педагогик фанлар соҳаси бўлиб, катталар таълими: ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ва амалий муаммолари билан шуғулланувчи фан.

Андрагогика – назария ва амалиётга асосланган, тан олинган барча ёндашувлар ҳамда жамиятда мавжуд бўлган расмий ва узлуксиз, норасмий ва қўшимча таълим турларини қамраб олади.

Андрагогик таълимнинг туб мақсади шахснинг нафақат касбий балки, иқтисодий, ижтимоий ва шахсий компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

Андрагогик таълим – педагогик жараён субъектларининг қизиқиш ва эҳтиёжларига асосланган ҳолда ташкил этиладиган жараён ҳисобланиб, унда таълим мақсадларининг хусусий даражаси ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг амалий аспекти бирламчи мезон саналади.

Андрагогик таълимнинг мақсад ва вазифалари:

• қатнашчиларда фаол билиш мотивациясини ривожлантириш;

• касбий фаолиятга нисбатан акмеологик ёндошувни қарор топтириш;

• креатив кўникмаларни шакллантириш;

• педагогик-психологик, методик билимларини такомиллаштириш;

• дидактик материаллар, кўргазмалар ишлаб чиқишга ўргатиш;

• ноанъанавий дарс ишланмаларини яратиш;

• ижодий тадқиқотчилик қобилиятини шакллантириш;

• ўзини – ўзи касбий ривожлантириш.

Андрагогик таълим жараёни қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Адаптация – қатнашчиларни таълим тизимидаги ўзгаришлар, янгиликлар, педагогик ёндашувларга мослаштириш, кўниктириш.

2. Компенсация – педагогик технологиялар, интерактив таълим ва интерактив методлар бўйича билим, кўникма, малакаларини янги фикр, амалий машқлар, тренинглар орқали тўлдириш, бойитиш.

3. Ривожлантирувчи – ўқув жараёнини ташкил этиш методикаси ва техникаси, педагогик фаолият ва маҳорати бўйича тажрибаларини ривожлантириш.

Андрагогик таълимда фаолиятга акмеологик ёндашув (akme - олий нуқта, гуллаган давр) мотивацияси муҳим омиллардан бири саналиб, унда таълим олувчиларнинг касбий-инновацион компететлиги (kompeto- фаолият талабларига мос келиш, лаёқатлилик), креативлиги ҳамда рефлексив кўникмаларини ривожлантириш асосий ўрин эгаллайди.

Демак, юқорида келтирилган омиллар, хусусан, андрагогик таълимни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларига таянган ҳолда, катта ёшлилар билан ишлашнинг зарурий педагогик-психологик шарт-шароитлари ва тамойилларини белгилашда қуйидаги тавсияларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- "аудиториянинг ижтимоий портрети"ни олдиндан тўғри прогноз қилиш, аудиториядаги қатнашчиларнинг қизиқишлари, мавжуд тажрибаси, интелектуал салоҳиятини тўғри баҳолай олиш;
- қатнашчиларнинг эҳтиёжларига асосланган ҳолда фан, соҳа ва мавзуга оид ахборот-маълумотнома базасини шакллантириш;
- педагог-андрагог (андрогогик таълим билан шуғулланувчи шахс) ўқув машғулотлари жараёнида "фасилитатор" (фаоллаштирувчи, ёрдамчи) ролида ҳаракат қилиши ва асосий эътиборни қатнашчилардаги мавжуд касбий компетенлик даражасини уларнинг меҳнат тажрибаси, ўқув-билиш мотивацияси ҳамда билим, кўникма ва малакалар тизимидан келиб чиқиб ривожлантириш мақсадига йўналтириш;

Шундай қилиб, андрагогик таълим бу қатнашчилар билиш ва коммуникатив фаолиятини ташкил этишнинг биргаликда ўрганиш, ҳамкорлик ва мулоқот муносабатларига асосланган ўқитиш модели ҳисобланиб, уни ташкил этишда фаолият субъектининг муайян ёш-психофизиологик ҳамда касбий-ижтимоий статусидаги индивидуалликни эътиборга олиш талаб этилади.

Таълим тизимида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Муҳими, таълим жараёнида талаба асосий бўғинга айланади. Педагог бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, дифференциал, интегратив, масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини педагогларда таркиб топтира бориш зарур.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари, таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар, замонавий таълимда тьютор, супервизор, фасилитатор, эдвайзер ва модераторлик фаолияти, модулли таълим тизими, модулли-кредит тизими, Болонья декларацияси ва Европа ягона таълим муҳити, ECTS кредитлари хусусиятларини, таълим сифатини баҳолаш тизимларини ўрганиш ва таълим соҳаларига тадбиқини таъминлаш талаб этилади.



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашув қуйидаги омилларни талаб этади:

1. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишни узлуксиз таълим тизимига жорий этиш;
2. Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш;
3. Таълим сифатини инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;
4. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати;
5. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интелектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Бу омилларнинг амалга ошиши ўқитиш сифатини оширишда илғор хорижий тажрибаларнинг ўзлаштирилиши, АКТдан фойдаланиш самарадорлигининг ортиши ва инновацион технологияларнинг фаол амалиётга тадбиқ этилишига ва натижада ўқитиш сифатининг такомиллашувига замин яратади.

**Таълим усулларини қуйидагиша изохлаймиз:** Таълимнинг **пассив** усулларида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулокот бир томонлама бўлиб қолади. Таълимнинг бу усулларида ўқитувчи марказий ўринда туради ва асосий ташкилотчи вазифасини бажаради. Олдиндан тайёрланган режа асосида вазифаларни ўқувчиларга бўлиб беради. Таълимнинг бу усулларида гуруҳнинг ҳамма ўқувчилари фаол иштирок эта олмайдилар, ўзаро мулокот қилмайдилар. Таълимнинг бу усулига маъруза, сўзлаш ва ўқувчилардан мавзуни сўраш киради.

Таълимнинг **фаол** усулларида ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қолмайди. Ўқувчилар ўқитувчига саволлар беради ва аксинча ўқитувчи ҳам ўқувчиларга савол ва топшириқлар беради. Бу усулда ўқувчилар ўзларининг фикрларини эркин баён эта оладилар. Таълим жараёни ўқитувчи томонидан тўлиқ режалаштирилмайди. Таълимнинг фаол усулида ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулоқот икки томонлама бўлади.

Таълимнинг **интерфаол** усулида ўзаро мулоқотлар қуйидагича бўлади: ўқитувчи – ўқувчи, ўқитувчи – ўқувчилар, ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчилар, ўқувчи – компьютер. Таълимнинг бу усулида ўқувчилар марказий ўринни эгаллайди, яъни асосий фигурага айланадилар. Шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини ҳам бажаради. Ўқитувчи эса ўқувчиларга бериладиган топшириқларни тайёрлаб келади, вақтни назорат қилади, консультация беради, қийин вазиятларда ёрдам беради. Таълим бериш жараёнида бу усулдан фойдаланилганда дарс давомида ҳамма ўқувчилар фаол иштирокчига айланади. Ўқувчилар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашадилар. Янги

мавзуни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ҳар бири ўз ҳиссасини қўшади. Бу усулда гуруҳдаги барча ўқувчилар, ҳатто суст ўзлаштирувчилар ҳам ўзаро мулоқотга киришиб, дарс иштирокчисига айланадилар. Таълимнинг бу усулида ўқувчиларга янги билим олиш билан бир қаторда, бошқаларнинг фикрини тинглаш, ҳар хил фикрларни баҳолаш, фикр билдириш, бир-бирин фикрини тўлдириш, мулоқотда иштирок этиш, биргаликда ечим топиш, ўқувчиларда дўстлик муносабатларини ҳам шакллантиради.

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Дарс сифатида оширишда қуйидаги **Интерфаол усуллардан** фойдаланиш мумкин:

1. Зинама-зина усули
2. Дамино усули
3. Зукко ҳайдовчи
4. Чигил ёзди усули
5. Мўъжизалар майдони усули
6. Конверт усули
7. Сонлар тилга кирганда усули
8. Бумеранг усули
9. Галерея усули
10. БББ усули
11. Ким кўп билади усули
12. 5 дақиқа усули
13. Нимага ва нима учун? усули
14. Хаёлий саёҳат усули
15. Таянч сигналлар усули
16. Қўлланмалар билан ишлаш усули
17. Кубик усули
18. Зигзаг усули
19. Семинар дарс усули
20. Масофали таълим усули
21. Кўчма бозор усули
22. Компьютерлаштирилган дарс
23. Давра суҳбати усули
24. Блок (тўсиқ) дарс усули
25. Бошқотирмалар усули
26. Муаммоли вазият усули
27. Ролли ўйинлар усули
28. Алломалар йиғини усули
29. Табақалаштирилган дарс усули
30. Хазиналар сандиғи усули
31. Кимсасиз оролда усули
32. Ҳамкорлик дарс усули
33. Арра усули
34. Қарорлар шажараси усули
35. Ўзинг учун қулай жой танла усули
36. Учинчиси ортиқча усули
37. Бир саволга уч жавоб усули
38. Аниқлаштириш ва исбот усули
39. Дамино усули
40. Тафаккур гулшани усули
41. Ҳикматлар гултожиси усули
42. Занжир машқи усули
43. Интилиш усули
44. Пинбард усули
45. Тўғри топ усули
46. Синквейн усули
47. Прес усули
48. Лото усули
49. Кластер усули
50. Орфографик ўйин усули
51. 6х6х6 усули
52. Эстафета усули
53. Инсерт усули

Бундан кўриниб турибдики, интерфаол усуллар таълим билан бирга ўқувчиларни тарбиялашда ҳам катта ёрдам беради. Интерфаол усуллар



ўқувчилар гуруҳда ишлашга ўргатади, асабий чарчоқликни олади, бир-бирини тушунишга ўргатади, ўзига ишонч ҳамда қатъийлик ҳиссини шакллантиради.

Интерфаол сўзи инглизча сўздан олинган бўлиб, inter –“ўзаро”, act- “мулоқот” маъносини англатади. “Интерфаол” диалог режимида бўлиш маъносини ҳам англатади.

Бугунги кунда таълимнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» да белгиланган вазифалардан келиб чиқади. Таълим мазмуни жамият таълим олдига қўяётган талаб-буюртма асосида белгиланиши керак. Яъни шаклланаётган инсон нимани билиши, ўрганиши, қандай инсоний фазилатларга эга бўлиши ҳақидаги саволларга жавоб бериши керак.

Юқорида келтирилган ҳолатлар бўйича хулосаланган натижа сифатида таълим сифатни таъминлашнинг бир неча омиллари мавжудлигини таъкидлаш мумкин:

1. Замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган ўқув муҳити ва моддий рағбат;
2. Интерактив ўқитишга мўлжалланган ва мутахассисликка оид замонавий ўқув адабиёти ҳамда аниқ ишчи ўқув дастури;
3. Фаол ва компетентли фан ўқитувчиси;
4. Қизиқувчан ва фаол тингловчи.

Ўқув жараёни самарадорлигини оширишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш. Таълимни модернизациялаштириш таълим жараёнида билим, кўникма, малакаларни шакллантириш билангина ҳал бўлиб қолмайди. Ўқувчи шахсни мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатлар билан боғлиқ функцияларни таълимни шахсга йўналтирилган тизими – воситасида амалга оширилади.

Таълимда таълим олувчи шахсига фаолиятли ёндашув бу таълим тизими коцепциясини ташкил этиб, бунда шахс “ субъекти” категорияси эркинликка интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, яхлитлик, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш ва фаоллаштириш хусусиятлари асосида англанилади, ўқув жараёни ҳамда унинг таркибий қисмлари – мақсад, мазмун, метод, шакл, усул, воситалар таълим олувчи учун шахсан аҳамиятга эга бўлгач, унинг шахсий тажрибаси маҳсули сифатида татбиқ этилади.

Таълим сифати менежментини жорий этиш тингловчилар, ходимлар, буюртмачилар ва жамиятнинг таълим сифатидан манфаатдорлиги, ходимларнинг сифат кафолати учун маъсулияти, таълим дастурлари сифатини барча манфаатдор томонлар эхтиёжи асосида узлуксиз такомиллаштирш, барча таркиби тузулмаларнинг хамкорликтаги самрали фаолиятини таъминлаш каби асосий тамойлларга таянган холда амалга ошириш лозим.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


## I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2014-36 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. 1997 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". 1997 йил 29 август.
4. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"даги ПҚ №1533-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаш тўғрисида"ги 4456-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-1875-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 341-сонли Қарори. 2004 йил 20 июл.
8. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Ўзбекистон Республикасида «Электрон таълим» миллий тизимини яратиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ–1740-сон Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори (2015 йил 20 август, 242-сон).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида".
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги (2017-й 16-февралдаги 4958-сон фармони).

## II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.79-80. Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясинин 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2010 йил 7 декабрь. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И. 2007 Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Каримов И. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 20-жилд. 2012.
4. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2015 йил.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: 2011 й.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: «Ўзбекистон» -2016
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: «Ўзбекистон» -2016
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. Т.: «Ўзбекистон» -2017
10. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» Т.:«Ўзбекистон» -2017.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

## III. Махсус адабиётлар

1.Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2007.

2.Бердиев Б. Таълим жараёнида ўқув мазмунини модернизация қилиш омиллари. "Таълим, фан ва инновация" журнали, 2015 йил, 2-сон, 6-9-бетлар.

3.Голиш Л.В."Замонавий педагогик технологиялар"., М. 1999.

4.Йўлдошев Ж, ,Хасанов С. Педагогик технологиялар.Т.: «Иктисод-молия", 2009.

5.Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида ўкитиш самарадорлигини ошириш йўллари. -Т.: 2000. -161 б.

6.Камолдинов М., Ваҳобжонов Б. Инновацион педагогик технология асослари – Т.: Талқин, 2010.

7.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. – М.: Знание, 1989

8.Modernisation of higher Education. Report to the European commission Improving the quality of teaching and learning in Europe's higher education

institutions June 2003.

9.Назарова Ф.Ҳ. Таълимда инновацион менежмент. Маърузалар тўплами. Тошкент. 2015 й.

10.Сайдаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003

11.Смолянинова, О.Г. Инновационные технологии обучения студентов на основе метода Case Study // Инновации в российском образовании: сб.- М.: ВПО, 2000.

12.Михайлова, Е. И. Кейс и кейс-метод: общие понятия / Маркетинг.- 1999.- №1.

13.Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори. дисс. – Т., 2016.

14.Йўлдошев Ж./, Усмонов С. Таълим менежменти.-Т, 2006 йил.

15.Таълимда илғор хорижий тажрибалар модули бўйича ўқув–услубий мажмуа. / М.Муталипова, М.Имомов, А.Тўраев. Тошкент – 2016.

16.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Тошкент, «Маънавият», 2017. 244 б.

17.Изменения в образовательных учреждениях: опыт исследования методом кейс – стадии / под ред Г.Н. Прозументовой.- Томск, 2003.

18.Козина, И. Особенности стратегии case-study при изучении производственных отношений на промышленных предприятиях России //Социология: методология, методы, математические модели. - 1995.- N5-6.- С.65-90.

19.Козина, И. Case study: некоторые методические проблемы // Рубеж.- 1997.- № 10-11.- С. 177-189.

20.Рейнгольд, Л.В. За пределами CASE — технологий // Компьютерра.- , 2000. - №13-15.

### IV. Электрон таълим ресурслар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Хокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz,www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. www.press-uz.info
6. http: //www.uforum.uz/
7. http://www.study.kz/1/8/157/sovremennaya-sistema-obrazovaniya-ssha
8. https://en.wikipedia.org/wiki/Education_in_the_United_States
9. https://en.wikipedia.org/wiki/Education_in_Great Britain
10. http://www. faylasuf.uz/index.php/falsafa/
11. http://www.casemethod.ru



## МУНДАРИЖА

КИРИШ ........................................................................ 3

I БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ, НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ............................................. 4

1.1. Модернизациялаш шароитида олий таълим муассасаларида ўқитиш сифтини оширишнинг устивор йўналишлари ……

1.2. Таълим мазмунини модернизациялаш ва таълим сифатини ошириш - давр талаби ........................................ 12

II БОБ. ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ..................... 17

2.1. Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар.......................................

2.2 Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид инновациялар.......... 28

2.3. Олий таълим муассасаларида инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишга эришиш йўллари........... 36

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САҲИФАЛАРИ ............................................ 50

Ajiniyoz nomidagi NDPI tahririyat-nashr bo`limi

Ajiniyoz nomidagi NDPI bosmaxonasida chop etilgan 2018-y.
Buyurtma №0345. Adadi 100 dona. Bichimi 84x64. Hajmi 3,5 b.t.
230105 Nukus shahri, A.Dosnazarov ko`chasi-104. Reestr № 11-3084.